

Сиртқи

Иқтисодиёт тармоқларида камидан беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича **Давлат комиссияси мажлисининг 2019 йил 4 июлдаги 1-сон баёни** билан иқтисодиёт тармоқларида камидан беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш **ТАРТИБИ** тасдиқланган.

Вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаси тизимида асосий иш жойи сифатида беш йилдан кам бўлмаган муддатда фаолият юритаётган ходимларга (техник ходимлар бундан мустасно) ушбу вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмасининг асосий фаолиятидан келиб чиқиб, **тавсиянома бериш шахсан биринчи раҳбар томонидан** амалга оширилиши белгилан.

Суҳбат натижаларига кўра сиртқи ва кечки таълим шаклига ўқишга тавсия этилган, талабгорнинг ўқиши (сиртқи таълим шакли учун 5 йил, кечки таълим шакли учун 4 йил) учун тўлов-шартнома маблағлари ишлаб турган ташкилот (вазирлик, идора ёки йирик хўжалик бирлашмаси) томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши таъминланади.

Талабгорлар **Давлат тест маркази (ДТМ)**нинг веб-сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтади.

Вазирлик, идора ёки йирик хўжалик бирлашмалари тавсиянома берган талабгорлар ҳақидаги маълумотлар базаси Давлат тест маркази (ДТМ)нинг маҳсус дастурига интеграция қилиб борилиши белгиланган.

Талабгорларга тавсияномалар белгиланган тартибда **адолатли ва шаффоф** берилиши юзасидан масъулият вазирлик, идора ёки йирик хўжалик бирлашманинг биринчи **раҳбарлари зиммасига юклатилган**.

Иккинчи ва ундан кейинги таълим олиш учун абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 2008 йил 13 августдаги 15-сон баёни билан (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008-йил 21-августда 1844-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ тасдиқланган.

Ушбу Низомга асосан иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бўйича ўқитиш тўлов-контракт (шартнома) асосида амалга оширилади.

Олий маълумотга эга бўлган шахслар қўйидаги иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олишлари мумкин:

- бакалавр ва дипломли мутахассис даражасига эга бўлган шахслар - бакалавриат таълим йўналишлари бўйича;
- магистр даражасига эга бўлган шахслар - бакалавриат таълим йўналишлари ва турдош магистратура мутахассисликлари бўйича.

Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқига эга таълим муассасалари рўйхати ҳамда олий таълим муассасаларида уларнинг қабул кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Жорий ўқув йили учун Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш учун абитуриентлар ҳужжатлар қабул қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ikkinchitalim.edu.uz - онлайн платформаси орқали амалга оширилади.

Таълим муассасасининг қабул комиссияси кирувчиларнинг билим даражасини баҳолаш мақсадида шакли ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишиладиган синовлар ўтказиш ҳуқуқига эга.